Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2002 йил 3 май жума

Сотувда эркин нархда № 94 (2922)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

*Бугун биз ўз фаолиятимизга, қилган ишларимизга танқидий баҳо берар эканмиз, биринчи галда, шу заминда истиқомат қилаётган одамларнинг турмушини нима ҳисобидан яхшилаш, катта орзу-умидлар билан ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизнинг қалбида эртанги кунга ишонч, ўз юртига меҳр туйғуларини кучайтириш тўғрисида ўйлашимиз лозим.*

# ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА



**Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.**

**Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**



## Президент Ислом Каримовнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Ҳурматли депутатлар!

Авваламбор, бепоён қорақалпоқ диёрига баҳор кириб келган мана шу кунларда барчангизни соғ-омон кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни айтиб, сизларга яна бир бор ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдирмоқчиман.

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтишдан олдин, ижозатингиз билан, баъзи бир муҳим масалалар ҳақида, аввало, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида, ана шу оқсоқликларнинг негизида турган сабаблар ва ҳолатлар тўғрисида алоҳида фикр алмашиб олсак.

Шу масалалар бўйича мен ҳам ўзимнинг баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирсам, ўйлайманки, фойдадан холи бўлмайди.

Бугун биз ўз фаолиятимизга, қилган ишларимизга танқидий баҳо берар эканмиз, биринчи галда, шу заминда истиқомат қилаётган одамларнинг турмушини нима ҳисобидан яхшилаш, катта орзу-умидлар билан ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизнинг қалбида эртанги кунга ишонч, ўз юртига меҳр туйғуларини кучайтириш тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Айниқса, бутун умр ҳалол меҳнат қилиб келган ота-боболаримиз, момоларимизни эъзозлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, юртимизда "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинган ушбу йилда уларга бўлган ҳурмат-эътиборимизни ва бериладиган амалий ёрдамни янада кучайтириш чораларини кўришимиз даркор.

Бир сўз билан айтганда, ўз тақдирини шу юрт билан боғлаган одамларнинг ташвишлари, ўй-фикрларини чуқур ҳис этиб, бугун мана шу ерда тўпланган раҳбарлар, ҳокимлар, барча фаолларнинг бу борадаги бурчи ҳақида яна бир бор гаплашиб, ўз вазифаларимизни аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Азиз дўстлар!

Дунёда одамзот бор экан, ҳар бир инсон Оллоҳ таоло ато этган умри давомида орзу-умидлар билан ҳаёт кечиради.

Бугунги кунга шукур қилиб, эртанги кунга ишонч туйғуси билан эзгуликка интилиб яшаш — барчамиз учун табиий ҳол.

Кўпчилик қаторида қорақалпоқ халқи Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ бўлган экологик офат туфайли вужудга келган оғир ва мураккаб бир шароитда ҳам эртанги кунга ишонч ва умидлар билан ҳаёт кечирмоқда.

Лекин, барчамиз яхши тушунамизки, туғилиб ўсган ерига меҳр қўйиш, шу туйғуни ўз фарзандларига, ниҳол каби ўсиб келаётган ёш авлод қалбига сингдириш, ўз она юрти билан ғурурланиш ва қадр-қимматини, бошини баланд тутиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган кайфият билан мана шундай оғир бир шароитда кун кечириш, яшаш, ҳақиқатан ҳам, шу тупроқда истиқомат қилаётган одамлардан қандай катта чидам, мардлик ва матонат талаб қилади.

Шуни фахр билан айтиш зарурки, қорақалпоқ халқининг табиатида ана шундай юксак фазилатлар азалдан мужассам бўлиб келади.

Ҳозир ҳам кечагидек эсимда, мен 1989 йилнинг ёзида мамлакат раҳбари сифатида эндигина иш бошлаган кунларимда бу ердаги ҳақиқий ҳол-аҳволни атрофлича билиш, одамлардан кўнгил сўраш, биринчи галда ҳал этиш лозим бўлган ҳаётий масалаларни аниқлаш мақсадида дастлаб Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманига келган эдим.

Айтиш керакки, ўшанда юртимиз қалтис ва мураккаб даврни бошдан кечираётган эди. Бир томондан — Фарғона фожиалари, яна бир томондан — қишлоқларимиздаги ачинарли аҳвол, бир ёқда — Ўш-Ўзган воқеалари, буларнинг барчаси елкамиздаги оғир юк бўлиб, бизни қаттиқ ташвишга солиб турар эди.

Биз ана шундай мушкул бир вазиятда босиқлик билан иш тутиб, муаммоларнинг тўғри ечимини топишга ҳаракат қилдик.

Шароит ўта кескин бўлишига қарамай, ўша пайтдаёқ Оролбўйи муаммосига алоҳида эътибор берганимиз туфайли вазиятнинг янада хатарли тус олишига йўл қўймадик.

Айниқса, ушбу минтақада дарахтзор ҳудудлар яратиш, пахта яккаҳокимлигини чеклаб, одамларга томорқа бериш, Устюрт коллекторларини таъмирлаш, 220 та тоза сув чиқарадиган қурилма барпо этиш каби кўп-кўп тадбирлар ўша кезларда бошлаган ижобий ишларимизнинг дебочаси бўлган эди.

Ўша пайтларда собиқ иттифоқ раҳбарияти ва жаҳон жамоатчилиги эътиборини Орол фожиасига қаратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам халқимизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Аммо, ўша даврда собиқ СССР Олий Советининг бу масала бўйича юзаки, қуруқ декларациядан иборат қарорини айтмасак, бу борада бошқа бирон-бир амалий қадам қўйилмаган эди.

Лекин, бугун барчангизга миннатдорлик билан айтишим керак, биз қўл қовуштириб ўтирмадик. 1989 йилнинг ўзидаёқ ушбу минтақада яшайдиган аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди, 380 минг кишига медицина ёрдами кўрсатилди, қарийб 4 минг киши мамлакатдаги тегишли шифохоналарга ётқизилди, минглаб болалар санаторийларда даволанди.

Такрор айтаман, мен қорақалпоқ халқининг олижаноб ва мардлигини ўша оғир дамларда юрак-юрагимдан ҳис этганман.

Мен Молия вазирлигида, Госпланда ишлаган пайтларимда ҳам бу ерга кўп марта келганман.

Лекин ўша 1989 йилда бу минтақанинг нечоғли оғир аҳволга тушганини, Оролнинг қуриши билан нафақат одамлар, балки ернинг ўзи ҳам нақадар эзилганини кўриб, елкамга қандай катта ва оғир юк тушганини яна ва яна бир бор сезганман.

Ва, керак бўлса, бу масала бугун ҳам қалбимнинг тубида оғриқ бир нуқта бўлиб турганини сизларга очиқ айтишим мумкин.

Бугун биз ўн-ўн икки йил олдин, яъни эндигина мустақил бўлиб турган пайтлардаги воқеаларни, бошимизга тушган не-не қийинчилик ва муаммоларни ечиш йўлида қилган ишларимизни эслар эканмиз, мен бир хулосага эътиборингизни тортмоқчиман.

Менинг хулосам шуки, ўша пайтда мамлакатимизда мавжуд бўлган ўта мураккаб аҳволда ҳам қорақалпоқ халқи ўзининг бағрикенглик ва вазминлик фазилатларини намойиш этди, мана шундай ҳар томонлама таҳликали бир вазиятда мамлакатга янги раҳбар бўлиб келган одамга ишонч билдирди.

Ўртамизда қарор топган, бир-биримизни тушунишга хизмат қиладиган мана шундай ўзаро ишонч ва самимият илдизлари балки ўша пайтда томир отган, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ва ана шу унутилмас даврдаги таассуротларимни, барчамиз бошимиздан кечирган кунларни эслаб, бугун яна бир карра, мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман, деб айтишга ҳаққим бор, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда).

## Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессияси

— Бугун сессия кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтишдан олдин, — деди давлатимиз раҳбари, — аввало, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида, ана шу оқсоқликларнинг негизида турган сабаблар ва ҳолатлар тўғрисида алоҳида фикр алмашиб олсак.

Президент қорақалпоқ халқининг турмуш шароитини янада яхшилаш, иқтидорли ёшларни замонавий касбларга йўналтириш, янги иш ўринлари яратиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан эканлигини қайд этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Темир Камолов ўз аризасига биноан Жўқорғи Кенгес раиси вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов ушбу лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Муса Ерниязов номзодини таклиф этди.

Депутатлар яширин овоз бериш йўли билан М.Ерниязовни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси этиб сайлади.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси Т.Ешанов, Хўжайли тумани ҳокими Т.Усниддинов, Беруний тумани Абай номидаги ижара хўжалиги раиси Д.Рабатова, "Ўзбекистон темир йўллари" миллий компанияси Оролбўйи бўлими бошлиғи Т.Темирбаев ва бошқалар Президентимиз нутқида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш барчанинг бурчи эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Нукус ва Хўжайли шаҳарлари йўлида бунёд этилган улкан кўприкни кўздан кечирди, замонавий услубда барпо этилган ушбу иншоотнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: сессия пайти.**
**Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.**

*Олий Мажлисда*

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

### *янги парламент фаолиятида қандай ўрин тутади?*

Кеча Олий Мажлисда Европа Иттифоқи комиссияси ТАСИС дастури доирасида ана шундай мавзуга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда халқаро экспертлар, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар вакиллари сиёсий партиялар фракцияларининг шаклланиши, амалдаги тажриба, йўналишлар, жаҳон амалиёти каби масалалар юзасидан атрофлича баҳс-мунозара юритдилар.

Анжуманни Олий Мажлис Раиси ўринбосари Борис Бугров кириш сўзи билан очди. «Ўзбекистонда демократиялаш жараёнининг ривожланишига кўмаклашиш» лойиҳаси раҳбари Рейнхард Ролл асосан конференция вазифалари хусусида тўхталди. ТАСИС дастури эксперти, Европа Парламенти фахрий аъзоси Маргарет Дейлининг сиёсий партиялар ва улар фракцияларининг Европа мамлакатлари парламентларида тутган ўрни хусусидаги маърузаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Бундан ташқари, Олий Мажлис ҳузуридаги Мониторинг институти, ХДП ва ФМДП вакиллари ҳам ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Ана шундан сўнг анжуман қатнашчилари учта кичик гуруҳга бўлиниб, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракцияларини шакллантириш ва уларнинг парламентдаги ўрни хусусида баҳс-мунозара юритдилар.

Куннинг иккинчи қисмида анжуман ўз ишини яна давом эттирди. Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Илгизар Собиров Германия парламенти тажрибаси мисолида Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш жараёни масаласига алоҳида тўхталди. Учта кичик гуруҳ йиғилиши натижалари ва ундан чиқарилган хулосалар қайта муҳокама қилинди.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, анжуман баҳс-мунозара давомида янги фикрлар, янги таклиф ва мулоҳазалар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Сиёсий партиялар эндиликда ўзлари учун янги давр келганини, бунинг учун эса янгича фикрлаш ва ишлаш лозимлигини янада чуқурроқ англаган бўлсалар, ажаб эмас.

**Ўз мухбиримиз.**

*Матбуот анжумани*




***Эсингизда бўлса, бундан тўққиз йил аввал Бельгия пойтахти Брюсселда бўлиб ўтган халқаро анжуманда Европа Иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган ТРАСЕКА (Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги) лойиҳасини яратиш ғояси таклиф этилиб, уни амалга ошириш юзасидан декларация қабул қилинганди.***

## ТРАСЕКА — янги Ипак йўли

1998 йили бу масала бўйича Боку саммити бўлган бўлса, 2000 йилда Тбилисида Европа Комиссияси шафелигида Озарбойжон, Арманистон, Грузия, Марказий Осиё давлатлари ва Қозоғистоннинг савдо ва транспорт вазирлари иштирокидаги биринчи ТРАСЕКА форуми ўтказилди. Унда Европанинг Ғарби-Шарқий қисми бўйлаб Кавказ ва Каспий денгизи орқали Марказий Осиёга олиб борувчи транспорт йўлагини ривожлантириш дастурини амалга оширишга ўзаро келишиб олинди.

Шу йилнинг 24-26 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган ТРАСЕКА ҳукуматлараро комиссиясининг иккинчи конференциясида ҳам ана шу халқаро лойиҳани рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Кеча эса «Ўзавтойўл» концернида ушбу конференциянинг якуний натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Уни ТРАСЕКА ҳукуматлараро комиссиясининг Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бўйича мувофиқлаштирувчиси жаноб Бодо Россиг олиб борди. У Тошкент конференцияси якунлари ҳақида оммавий ахборот воситалари вакилларига батафсил маълумот бериб, уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

— Халқаро анжуманнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилганлиги бежиз эмас, — деб сўзини бошлади жаноб Бодо Россиг. — Негаки, лойиҳа бўйича барпо этилаётган йўлларнинг асосий қисми Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Устига устак, Ўзбекистон дунёга энг яқин ва қулай йўллар орқали чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу борадаги лойиҳани қўллаб-қувватлаётган давлатлар сирасига киради. Ҳақиқатан ҳам, ушбу транспорт коммуникациялари йўлаги Ўзбекистонни Хитойнинг Лянь-Юнган портидан Қашғар-Тошкент-Туркманбоши-Боку-Поти-Ботуми-Канцтанца йўналиши бўйлаб Европанинг Роттердам кўрфази билан боғлайди.

Айни пайтда хавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган ушбу халқаро йўлак лойиҳасини қўллаб-қувватлаётган ва ундан фойдаланиш истагини билдираётган давлатлар сони ҳам ортиб бормоқда. Улар ҳозир 50 тага яқин лойиҳани сармоялаштиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда. Бу борада ҳам Ўзбекистон комиссиянинг аъзоси сифатида фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда ТРАСЕКА лойиҳасига 13 мамлакат қўшилган бўлиб, уларнинг географик жойлашувига кўра 3 гуруҳга: Украина, Болгария, Руминия, Молдова, Туркия бўйича бюро Одессада, Грузия, Арманистон, Озарбойжон бюроси Бокуда, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистонни бирлаштирган Марказий Осиё гуруҳи бюроси Тошкентда жойлашган. Ҳукуматлараро комиссиянинг бош директори лавозимига Ўзбекистон вакили сайланди. У комиссияга бир йил давомида раҳбарлик қилади.

Матбуот анжуманида Афғонистонга узоқ муддатга мўлжалланган инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, ТРАСЕКА визасини жорий этиш, темир йўл ва денгиз транспортларида халқаро юкларни ташишда ТРАСЕКА коэффициентини амалга киритиш, ягона информация тизими концепцияси, денгиз транспортини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қатор ҳужжатларни соддалаштириш бўйича Тошкент Декларациясининг қабул қилинганлиги лойиҳа иштирокчиси бўлган давлатларга катта манфаат келтириши таъкидланди.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## КОНСТИТУЦИЯНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги ва мамлакатимизда эълон қилинган «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан «Конституция ва инсонни эъзозлаш» мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Конституциявий суднинг аъзолари, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижроия органлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ва мамлакатимиз илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган бир гуруҳ зиёли олимлар иштирок этдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Б. Эшонов ва Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси Э. Боқибоев, давра суҳбатининг бошқа иштирокчилари демократия ва инсон ҳуқуқлари Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳамда Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг биринчи галдаги вазифаси ҳам аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, қарияларни қадрлашдан иборат эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти хусусида тўхталдилар.

## БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Самарқанд аэропортида АҚШнинг «Heart to Heart International» («Халқаро беғараз ёрдам») ташкилоти томонидан ажратилган инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросими бўлиб ўтди. Қиймати қарийб 6 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган бу юк дори-дармон ҳамда турли даволаш анжомларидан иборат. Уларни Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги шифохоналарга тарқатиш кўзда тутилган.

АҚШ давлат департаменти томонидан қўллаб-қувватланувчи «Heart to Heart International» ташкилоти 1992 йилдан буён фаолият юритиб келади. Шу кунгача у дунёнинг турли мамлакатларига қарийб 200 миллион долларлик ёрдам кўрсатган.

Ташкилотнинг 1998 йилдан буён мамлакатимиздаги шифо масканларига кўрсатган мурувват ёрдами 13 миллион доллардан ошган.

Инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Ҳёрбст иштирок этди.

**(ЎзА).**

# ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

## Президент Ислом Каримовнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана шундай ҳиссиёт билан мен турли катта минбарлардан — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бўладими, Европа ёки Осиёдаги нуфузли анжуманлар бўладими — уларнинг барчасида Орол фожиаси ҳақида бонг уриб, эй одамзот, кўринглар, англанглар, бизнинг бошимизга тушган офатга эътибор қаратинглар, акс ҳолда, бу фалокат эртага умумбашарий тус олиб, сизларнинг ҳам бошингизга тушиши мумкин, шунинг учун бу масалада амалий ёрдам беринглар, деб қайта-қайта қилган даъватларимни жамоатчилигимиз, халқимиз яхши билади.

Расмий маъруза эмас, балки қалб нидоси бўлган бу сўзларни мен наинки Тошкентда ўтирган раҳбар сифатида, балки қорақалпоқ диёрининг бир вакили сифатида айтганимни эслаш бугун ҳам ортиқча бўлмас.

Бундай даъват ва ҳаракатлар ҳали-бери амалда ўзининг тўла аксини топмаган бўлса-да, битта масалада биз маълум натижаларга эришдик.

Яъни, дунё ҳамжамияти, аввало, халқаро ташкилотлар, инсонпарварлик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотларга бугун Орол фожиаси тўғрисида ортиқча тушунтириш, қўшимча маълумот беришга ҳожат қолмади.

Бу масала ҳозирги кунда халқаро майдонда дунё миқёсидаги катта фожиа, оғир муаммо бўлиб кун тартибига қўйилмоқда.

Бугун жаҳон ҳамжамияти, биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, экология масалалари билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар ушбу муаммонинг ечимини топиш тўғрисида бош қотираётгани — бу ҳам маълум даражада бизнинг ютуғимиздир.

Бу борада узоққа бормасдан, битта мисол келтириш мумкин.

Яқинда бизнинг юртимизга ташриф буюрган Жаҳон банки раҳбарининг, шунингдек, бошқа хорижий давлат ва сиёсат арбобларининг Оролбўйига келиб, бу ердаги аҳвол билан яқиндан танишганлари ҳам эртага бу масалада олға силжиш, амалий натижалар бўлишига умид уйғотади.

Бугунги кунда барчамиз яхши тушунамизки, Орол ҳавзасини сув билан тўлдириш — бу ўта оғир масала.

Лекин шундай пайтда Оролбўйи ҳудудида яшаётган одамларнинг аҳволини яхшилаш, авваламбор, уларнинг соғлиғини асраш, насл-насабини баъзи офатлардан сақлаш, бу ердаги ижтимоий вазиятни ўнглаш борасида амалий ишларни бажариш, бунга керакли маблағ ва имкониятларни топиш ва шу мақсадга йўналтириш — бугунги кундаги энг долзарб, четга суриб бўлмайдиган вазифадир.

Авваламбор, биз оналар ва болалар, кексаларга имкон борича шароит туғдириб бериш, табиий мувозанатни тиклаш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, туғилаётган чақалоқларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш каби долзарб муаммоларни ечишга кўмаклашиш — дунёдаги ўзини чин инсон деб биладиган ҳар бир одам учун ҳам қарз, ҳам фарз деб қабул қилишга даъват этамиз.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Шу хусусда гапирар эканмиз, охирги икки йилда бутун мамлакатимизда, аввало, Қорақалпоғистон ва Хоразм минтақасида рўй берган қурғоқчилик мавжуд қийинчиликларни янада оғирлаштирганини, муаммоларни янада кескинлаштирганини барчангиз яхши биласиз.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз, халқимиз минтақа аҳолисини табиий офат қаршисида ёлғизлатиб қўймади.

Биз вужудга келган оғир аҳволни енгиллаштириш, унинг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида ўз вақтида барча зарур чора-тадбирларни кўрдик.

Мана шундай тадбирлар доирасида ўтган йили давлатимиз томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига 20 миллиард сўмдан ортиқ молиявий кўмак берилди, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорга асосан фақат ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун 931 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, ушбу минтақага Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, хорижий давлатларнинг кредитлари, грантлар ва донорлик ёрдамлари ҳисобидан 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ҳам ёрдам тариқасида йўналтирилди.

Мана шу ҳисобдан 2 минг 900 та қудуқ ишга туширилиб, 200 дан зиёд қишлоқнинг аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ўтган йил ёз мавсумида 15 минг нафардан зиёд қорақалпоғистонлик ўғил-қизларимиз Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги оромгоҳларда дам олди.

3000 нафар опа-сингилларимиз, 1150 нафар фахрийларимиз энг яхши сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклади.

Айни пайтда, қурғоқчиликдан азият чеккан минтақа аҳолисига қўшимча тарзда нафақалар тўлаш учун 180 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди, аҳоли ва ташкилотлар 866 миллион сўм миқдоридаги ер солиғидан озод этилди, корхона ва ташкилотларнинг 33 миллиард сўмлик қарзларидан кечилди.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри минтақа аҳолиси учун мўлжалланган хайрли ишларни амалга оширишда техника воситалари етказиб бериб, беминнат ёрдам кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, бундай эзгу ишлар давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатини, халқимизнинг ҳаёт қийинчиликларини бир тану бир жон бўлиб енга олиш фазилатини яна бир карра намоён этди.

Азиз дўстлар!

Энди рухсатингиз билан шундай оғир ва мураккаб шароитга қарамасдан, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳақида, бунёд этилган янги иншоотлар, замонавий корхоналар, йўл ва кўприклар, кундалик ҳаётимизда қўлга киритилаётган натижалар ҳақида гапирмасак, бу албатта, инсофдан бўлмайди.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот чиқарадиган бир қатор янги корхоналарнинг ишга туширилиши республика иқтисодиётида сезиларли таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётганини кўрсатади.

Бу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари ўтган йили 2000 йилдагига нисбатан 12 фоиз ўсгани шундан далолат беради.

Бундай ижобий ўзгаришларни кейинги йилларда барпо этилган "Элтекс" ва "Катекс" каби тўқимачилик мажмуалари, Хўжайлидаги шиша, Нукусдаги мармар заводлари сингари кўплаб замонавий корхоналар мисолида кўришимиз мумкин.

Бу минтақада аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи кўп йиллар давомида долзарб бўлиб тургани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Шуни инобатга олиб, сўнгги йилларда бу борада ҳам салмоқли ишларни амалга оширишга эришдик.

Хусусан, узунлиги 243 километрдан иборат "Туямўйин — Нукус" ва узунлиги 112 километрдан иборат "Нукус — Тахтакўпир" сув тармоқларининг ишга туширилгани бу борада салмоқли қадам бўлганини алоҳида қайд этиш даркор.

Ўтган даврда Қорақалпоғистон аҳолисини табиий газ билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор берилди.

Бугунги кунда мавжуд хонадонларнинг 90 фоизида табиий газ ёниб тургани бунинг яққол далилидир.

Биргина 2001 йилнинг ўзида 200 километр узунликдаги табиий газ, 206 километр узунликдаги тоза ичимлик суви тармоқлари барпо қилингани ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётганини кўрсатиб турибди.

Капитал қурилиш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар бу заминда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг яна бир намоёни бўлмоқда.

Ўтган йил давомида жами 58 миллиард сўмлик қийматга эга бўлган иншоотлар ишга туширилгани, бу йўналишда аввалги йилга қараганда 3 баробар ўсишга эришилгани, айниқса, диққатга сазовор.

2001 йили 342 минг квадрат метр турар-жой бинолари, 2 минг 850 ўқувчи таълим оладиган, 700 ўринли замонавий ётоқхонага эга бўлган бешта касб-ҳунар коллежи бунёд этилгани, 1500 ўқувчига мўлжалланган 2 та касб-ҳунар коллежи тубдан таъмирланиб, бугунги талаблар даражасида қайта жиҳозланганини таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида Оролбўйи скрининг маркази, Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг Нукус филиали, Тез тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус шаҳри ва туманлардаги филиаллари, қишлоқ жойларда барпо этилган қатор тиббий хизмат пунктлари экологик таъсир оқибатларини енгиллатиш, минтақа аҳолиси ҳаётини яхшилашда беқиёс аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Айниқса, кейинги йиллар давомида маҳаллий халқнинг оғирини енгил қилиш мақсадида бунёд этилган кўпгина кўзга кўринган иншоотлар ва қурилишларни ҳам мисол тариқасида келтириш ўринли бўлади.

Хусусан, мана шу ерда яшаётган халқнинг мушкулини осон қиладиган, Амударё устига қурилган улкан Нукус — Хўжайли кўприги ҳақида алоҳида гапириш мумкин.

Кези келганда мен мамлакатимиз ҳаётида наинки иқтисодий, айни вақтда стратегик жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган 345 километр узунликдаги "Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Мискин" темир йўлининг қисқа вақт ичида қуриб битказилганига ҳам алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимиз минтақаларини ўзаро боғлайдиган бу темир йўл тармоғи ўтган йили 25 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта тежалишига имконият туғдирди.

Бу улкан иншоотнинг ишга туширилиши билан Мискин, Тўрткўл ва Элликқалъада замонавий янги вокзаллар бунёд этилди. Нукус темир йўл вокзали тўлиқ қайта таъмирланди.

Қораўзак ва Берунийда эса янги вокзаллар барпо қилинмоқда. Қувончлиси шуки, темир йўл фойдаланишга топширилгач, қарийб минг нафар қорақалпоқ йигит-қизлари иш билан таъмин этилди.

Энг муҳими, бу темир йўл қорақалпоқ заминидаги табиий бойликларни ўзлаштиришга, улардан халқимиз, аввало, шу ерда яшайдиган одамларнинг манфаати йўлида фойдаланишга хизмат қилади.

Урга ва Шохпахта газ конларининг ишга туширилиши туфайли биз фақат 2001 йилнинг ўзида 1 миллиард 558 миллион куб метр табиий газ, 12 минг 600 тонна газ конденсати қазиб олиш имконига эга бўлдик.

Ўтган йили очилган Шарқий Бердақ газ кони эса жорий йилда 300 миллион куб метр газ, 400 тонна газ конденсати қазиб олиш имконини беради.

Шуни ҳам айтиш лозимки, 16 миллиард 200 миллион куб метр газ ва 3 миллион тоннага яқин газ конденсати захираси мавжуд бўлган яна бешта газ кони яқин вақт ичида фойдаланишга топширилади.

Бепоён Устюрт ҳудудидаги қимматбаҳо хомашё захиралари бу минтақанинг эртанги кунига катта ишонч уйғотади.

Бунинг тасдиғини бугун Устюрт бағрида қад ростлаётган, лойиҳа қиймати қарийб 100 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган Қўнғирот сода заводи қурилиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бу улкан мажмуа юртимизда амалга оширилаётган энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, бутун мамлакатимиз саноати учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда завод қурилиши бўйича яқинда Хитой Саноат-тижорат банкининг 32 миллион АҚШ долларидан зиёд кредит маблағини жалб этиш борасида келишувга эришилганини ҳам алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Унинг ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз эҳтиёжларини тўла таъминлаб қолмай, рақобатбардош кимёвий маҳсулотларни хорижга ҳам экспорт қилишга кенг имкон яратади.

Қадрли дўстлар!

Агар биз Қорақалпоғистондаги бугунги мавжуд аҳволни фақат мана шундай ижобий мисоллар билан баҳолайдиган бўлсак, бу албатта бир ёқлама ёндашув, ҳатто айтиш мумкинки, калтабинлик бўлур эди.

Биз бугун сизлар билан эришилган ютуқларни холисона эътироф этиб, йўл қўйилган камчиликларни танқидий нуқтаи назардан баҳолашимиз зарур.

Танқид ҳақида гапирганда, кимнидир изза қилиш, обрўсини тўкиш эмас, хато-камчиликларни майдалаб ўтириш эмас, аксинча, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ, ана шу нуқсонларнинг сабабларини аниқлаш, таҳлил этиш, уларнинг илдизига етиб бориш ва таг-томири билан йўқ қилиш асосий мақсадимиз бўлиши керак.

Шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Кейинги пайтларда бизда ғалати бир одат пайдо бўлди. Яъни, ҳамма камчиликлар учун табиий офатларни рўкач қилиш қандайдир бемаъни одатга айланиб қолди.

Айрим раҳбарлар бунга шунчалик ўрганиб қолдики, бундай баҳоналарни ҳар қадамда қалаштириб ташлайди.

Бу масала бўйича менинг фикрим шундайки, бунақанги йўл билан ўзини оқлашга уриниш — ишни билмайдиган, ташкилотчилик қобилияти етишмайдиган, ҳақиқатни яшириб кўрсатадиган заиф одамларнинг усулидир.

Ҳамма раҳбарлар яхшилаб эшитиб, қулоғига қуйиб олсин — биз бундай қарашларга кескин зарба беришимиз зарур.

Чунки биз бундай номақбул ҳолатларга чидаб, улар билан муроса қилиб юрсак, эртага оғир аҳволга тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Қорақалпоғистонда иқтисодиёт соҳасида муайян натижалар қўлга киритилган бўлса-да, ҳали аҳолини иш билан банд этиш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласида талай муаммолар мавжудлигини айтиш даркор.

Бугун бу ерда қарийб 50 минг одамнинг иш билан таъминланмагани ҳам барчамизни ташвишга солиши зарур.

Мутасадди раҳбарларнинг уқувсизлиги ва лоқайдлиги оқибатида саноат корхоналарининг аксарияти ўз фаолиятини бозор шароитига мос ҳолда ташкил эта олмаяпти.

Мавжуд корхоналарнинг 40 фоизида ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетгани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

Айниқса, Элликқалъа, Қораўзак ва Кегейли туманларида фаолият кўрсатаётган корхоналардаги аҳвол ниҳоятда ташвишлидир.

Ўзингиз айтинг, ана шу корхоналарнинг омборларида 1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулотнинг ўз харидорини топмай ётгани ишга бўлган шундай совуққон муносабат натижаси эмасми?

Энг ёмони шундаки, 2001 йил давомида бундай маҳсулот ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 10 фоиз кўпайган.

Қорақалпоғистонда хорижий ҳамкорлар билан ишлаш, чет эл сармоясини жалб этиш, ишлаб турган қўшма корхоналар фаолиятини кенгайтириш борасида ҳам ўзгаришлар кўзга ташланмаяпти.

Аксинча, бор имкониятларни ҳам бой бериш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу ердаги мавжуд 28 та қўшма корхонанинг 10 таси турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатгани шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Кўпгина корхоналарнинг мулк шаклини номигагина, хўжакўрсин учун ўзгартириб, амалда ҳали-бери эскичасига фаолият юритаётгани иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги асосий ғов-тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз миқёсида кичик ва ўрта бизнес ривожига жиддий эътибор берилаётганига қарамай, Қорақалпоғистонда ушбу масалага ҳамон бир ёқлама ва юзаки қаралмоқда.

Ҳолбуки, давлатимиз Қорақалпоғистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, шу орқали аҳолининг турмуш даражаси ва моддий таъминотини яхшилаш масаласига доимо катта эътибор бериб келмоқда.

2001 йилда бу соҳа ривожи учун 6 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. Бу — аввалги йилга нисбатан 58 фоиз кўп, демакдир.

Албатта, бугун бу ёрдамнинг ўзига хос ижобий таъсири намоён бўлмоқда.

Хусусан, ўтган йили бу ерда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг сони 18 фоиз кўпайди.

Айниқса, Тўрткўл туманида тадбиркорлар сони икки баравар кўпайиб, 3 минг 600 нафар ёш йигит-қиз ишлаб чиқаришга жалб этилди.

Айтиш керакки, Бўзатов, Кегейли, Элликқалъа туманларида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун анчамунча ишлар қилинмоқда.

Лекин, шу билан бирга, бутун республика миқёсида оладиган бўлсак, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун яратиб берилган имкониятлардан тўлиқ ва ўринли фойдаланилмаётганини қайд этишга мажбурмиз.

Бу ҳақиқатни 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра рўйхатга олинган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 10 фоизи мутлақо фаолият кўрсатмаётгани ҳам исботлайди.

Барчангиз яхши биласиз, қишлоқ хўжалиги Қорақалпоғистон иқтисодиётининг асосини ташкил этади.

Мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди бўлмиш бу минтақада деҳқончилик билан шуғулланиш қанчадан-қанча меҳнат ва машаққатни талаб этиши ҳақида гапириб ўтириш, ўйлайманки, ортиқча бўлади.

Лекин, шунга қарамай, Қорақалпоғистонда ҳам деҳқончилик илмини пухта эгаллаган, ўз меҳнати билан барчани қойил қолдираётган тадбиркор инсонлар кўплаб топилади.

Масалан, тахтакўпирлик моҳир миришкорларнинг мана шундай оғир шароитда ҳам режада белгиланган миқдорда ҳосил олиб келаётгани деҳқон омилкорлик билан иш тутса, ҳар қандай вазиятда ҳам ердан ризқ-рўз ундира олишини кўрсатади.

Ёки Нукус шаҳрининг шундоқ ёнида жойлашган "Қорақалпоғистон" агрохўжалигини олайлик.

Бу ердаги иссиқхонада томчилатиб суғориш орқали нафақат Оролбўйида, балки Тошкент бозорларида ҳам қўлма-қўл бўлиб кетадиган ноз-неъматлар етиштирилаётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, барча муаммоларнинг ечими ишни тўғри ташкил этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Аммо агротехника қоидаларига амал қилинмаса, сувдан тежаб-тергаб фойдаланилмаса, сув тармоқлари вақтида тозаланмаса, ердан ҳосил кутиш мумкинми ўзи?

Шу маънода, ўтган хўжалик йилида сув тармоқларининг атиги 20 фоизи тозалангани ҳеч бир ақлга тўғри келмайди.

Ўзингиз ўйланг, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқори бўлган шароитда суғориш ишларига, умуман, агротехника талабларига шундай юзаки қарашга йўл қўйиб бўладими?

Ёки кузги-қишки агротехник тадбирлар учун қўшни Хоразм вилоятида ҳар гектар ерга ўртача 1 минг 900 куб метр сув сарфланган бир пайтда Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич 3 минг 600 куб метрни ташкил этаётганини ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик.

Ўтган йили, мавжуд қийинчиликларга қарамай, Қорақалпоғистон Республикасига зарур миқдордаги минерал ўғитлар етказиб берилди. Бироқ, сақлаш ва фойдаланишдаги нуқсонлар туфайли, уларнинг аксарият қисми беҳуда исроф қилинди.

Ўзингиз айтинг, Нукус туманида минерал ўғитларнинг очиқ ҳавода қолиб, ёғин-сочинда яроқсиз ҳолга келтирилганига нима дейиш мумкин? Буни қандай баҳона ёки сабаб билан оқлаб бўлади?

Қадрли дўстлар!

Ризқ-рўзимиз манбаи — халқимиз дастурхонини тўкин, турмушини фаровон этиб келаётган мана шу ер, мана шу замин эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Уни парвариш этган, эъзозлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Лекин ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ундан қонунга хилоф равишда фойдаланиш кўпчиликнинг ҳақига хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас.

Минг афсуски, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мана шундай суиистеъмолчилик ҳолатлари содир этилмоқда.

Нукус туманидаги "Нукус", Хўжайли туманидаги "Қорақалпоғистон", "Жамбил", Элликқалъа туманидаги "Ғалаба" хўжаликларида катта миқдордаги экин майдонлари ҳисоботга киритилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

2001 йилнинг кузида экилган буғдой майдонлари қайта кўриб чиқилганида, уларнинг бир қисми ҳисобдан яшириб қолингани, айрим ўринларда эса, "қўшиб ёзилгани" аниқланди.

Бундай ҳолатлар Бўзатов туманидаги "Тўрткўл", Тахтакўпир туманидаги "Жанадарё", "Довқара", Чимбой туманидаги Сейитов номли, Кегейли туманидаги "Қоратов" ва республика йўл таъмирлаш-қурилиш бошқармасининг ёрдамчи хўжаликларида ҳам учрайди.

Бундай ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

2001 йили Қорақалпоғистон Республикасида барпо этилиши кўзда тутилган 10 та қишлоқ тиббий пунктининг биронтаси ҳам ишга туширилмагани, 16 та тез ёрдам марказининг тенг ярми таъмирлашга муҳтож экани, улар ўз эҳтиёжининг 50 фоизи миқдоридагина машиналар билан таъминлангани — ислоҳотларнинг бу соҳада ҳам оқсаётганидан далолат беради.

Бундай муаммолар, минг афсуски, таълим тизимида ҳам оз эмас.

Республикадаги 764 та ўрта мактабнинг 70 фоизида ўқувчилар икки сменада таълим олмоқда, салкам уч минг ўқувчи эса учинчи сменада ўқишга мажбур бўлмоқда.

Янги лицей ва коллежларга аҳамият бериш кўпроқ бўлиб, умумий таълим мактабларини таъминлаш, уларнинг моддий базасини яхшилаш, ўқитувчиларимизнинг аҳволига эътибор сусайиб қолмоқда.

Ҳолбуки, бу масала ҳам бизнинг доимий диққат марказимизда бўлиши зарур. Биз кейинги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ислоҳотларимизнинг дастлабки меваларини бугун амалда кўряпмиз.

Қаранг, бугун қандай билимли, истеъдодли, маъноли болалар етишиб чиқяпти.

Албатта, бу масалада қабул қилинган дастур ва режаларнинг, ажратилаётган маблағларнинг ўрни катта. Лекин бу борада асосий ишни, ҳеч шубҳасиз, ўз касбининг фидойиси бўлган минг-минглаб заҳматкаш ўқитувчилар, мураббий-муаллимлар қиляпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шунинг учун умумтаълим мактабларининг моддий таъминотини яхшилаш, бу даргоҳларда меҳнат қилаётган ўқитувчиларга ҳар томонлама шароит яратиб бериш, уларнинг нуфузини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Бугун Қорақалпоғистонда турли соҳаларда мавжуд бўлган камчиликлар ҳар биримизни ҳушёр торттириб, улардан тегишли хулоса чиқариб олишга, нуқсонларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришга ундаши лозим.

Муҳтарам депутатлар!

Бугун биз Қорақалпоғистоннинг эртанги куни билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилар эканмиз, **мен бу ерда ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, иқтисодиётни кўтариш ва аҳоли турмушини яхшилаш учун қуйидаги масалаларга энг устувор вазифа сифатида қараш зарур, деб ҳисоблайман.**

**Биринчидан,** Қорақалпоғистоннинг ўзига хос, оғир иқлим шароитини, айниқса, сув танқислигини инобатга олган ҳолда, бу ерда асосан кам сув талаб этадиган экин турларини экиш, сув сарфи кам бўлган технологияларни жорий қилиш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда мелиорация ишларига, ички ва хўжаликлараро зовурлар ҳамда сув тармоқларини тозалашга алоҳида эътибор бериш керак.

**Иккинчидан,** аҳолининг чорвачилик соҳасидаги бой тажрибасини ҳисобга олиб, сув таъминоти қийин бўлган туманлардаги иқтисодий ночор хўжаликларни тугатиш ва уларнинг ўрнида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этиш, бўрдоқичилик мажмуаларини қайта тиклаш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш лозим.

**Учинчидан,** республиканинг барча ҳудудларида чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар ташкил этишни кўзда тутиш зарур. Керак бўлса, бу соҳада янгитдан барпо этилаётган кичик бизнес вакиллари ва ишбилармонларга қўшимча имтиёзлар яратиб беришимиз керак, деб ўйлайман.

**Тўртинчидан,** саноат тармоқларини ривожлантириш учун чет эл сармояларини жалб этган ҳолда, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган янги-янги қўшма корхоналар ташкил этишга жиддий киришиш вақти етди.

**Бешинчидан,** республикадаги мавжуд табиий бойликларни аниқлаш ва уларни қайта ишлашга ихтисослашган янги корхоналар бунёд этишга доир амалдаги дастурдан келиб чиқиб, малакали мутахассислар тайёрлашга ҳозирдан киришиш лозим.

**Олтинчидан,** "Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Мискин" темир йўли атрофида, аввало, шахсий мулкка асосланган кўп тармоқли хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш даркор.

Бу эса мазкур йўналиш бўйлаб тегишли инфратузилма шаклланишига, минглаб янги иш ўринлари очилишига, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Еттинчидан,** республикада вужудга келган ҳозирги вазиятдан чиқиш учун, биринчи навбатда, иқтидорли, ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, уларнинг захирасини мунтазам бойитиб бориш даркор.

Ўйлайманки, ушбу таклиф-мулоҳазалар, айтилган танқидий фикрларни инобатга олиб, белни маҳкам боғлаб, бир ёқадан бош чиқариб ишга киришсак, барча соҳаларда туб ўзгаришларга эришиш мумкин бўлади.

Азиз ватандошлар!

Бугун эришган ютуқларимиз, йўл қўйган камчиликларимиз ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин қийинчилик ва муаммоларга қарамай, ҳаёт давом этяпти, янги авлод дунёга келяпти. Бу авлод албатта биздан кўра кучли, билимли ва бахтли бўлади.

Биз ишончимиз ва таянчимиз бўлган бу ёшлар қалбига, авваламбор, покизалик, ҳалоллик, мардлик, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилиш каби олижаноб инсоний фазилатларни сингдиришимиз керак.

Шуни алоҳида қувонч билан айтиш лозимки, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, қорақалпоқ диёрида ҳам бугун мана шундай минглаб истеъдодли ва фидойи ёшлар вояга етмоқда.

Бундай ёшлар ишлаб чиқариш, тадбиркорлик соҳасида ҳам, ижтимоий соҳада ҳам, санъат ва маданият соҳасида ҳам мана мен, деб майдонга чиқмоқда.

Кимга қандай, билмадим, лекин шахсан менга қорақалпоқ халқининг бетакрор санъати ниҳоятда ёқади.

Қаерда, қайси байрам ёки тантанада бўлмасин, қорақалпоқ йигит-қизларининг маҳоратини кўрган, уларнинг жарангдор овозини эшитган одам беихтиёр таъсирланади, керак бўлса, ўзининг ғам-ташвишларини унутади.

Шу муносабат билан мен яқинда бўлиб ўтган бир воқеани сизларга эслатиб ўтмоқчиман.

Азим пойтахтимиз Тошкентда бунёд этилган Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биноси очилишига бағишланган тантанали маросимда қорақалпоғистонлик хонанда Кенесбай Сержонов "Паяцо" операсидан ария ижро этганини кўпчилигингиз телевидение орқали кўрган бўлсангиз керак.

Қорақалпоқ элининг фарзанди бўлган бу санъаткор ўзининг мафтункор овози билан наинки бизни, балки шу маросимда иштирок этган ўнлаб хорижий мамлакатларнинг вакилларини ҳам ҳайратга солганидан барчамизнинг қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлди.

Мен бу ноёб иқтидор эгасини пойтахтга чақириб, Алишер Навоий номидаги академик катта театримизга ишга қабул қилиш, унга турар-жой ажратиш ва самарали ижод қилиши учун шарт-шароит яратиш тўғрисида мутасадди раҳбарларга кўрсатма бердим.

Бундан мақсад шуки, бу санъаткор ўзининг Оллоҳ ато этган истеъдодини тўлиқ намоён этсин, нафақат Ўзбекистонимизда, балки бутун дунёда шуҳрат қозонсин, қорақалпоқ халқининг довруғини оламга таратсин.

Шу маънода, қорақалпоқ заминидан етишиб чиққан ёркин истеъдод соҳибаси Муяссар Раззоқова, оғир атлетика бўйича жаҳон кубоги совриндори Бавуржон Каздаев, тай-бокс бўйича уч марта жаҳон чемпиони Еркин Қутибоев, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Баҳром Ерматов, санъат соҳасидаги нуфузли халқаро танловларда ғолиб бўлган Элеонора Қутлипўлатова, Анифа Ортиқова, Зиёда Шарипова каби иқтидорли ўғил-қизларимиз бутун Ўзбекистонимизнинг фахридир, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Қандай қийинчиликлар бўлмасин, ҳамиша ўз юртига содиқ қолиб, ўз ерини севиб-ардоқлаб, мардона меҳнат қилаётган, мана шундай беназир истеъдодларни вояга етказаётган қорақалпоқ халқига ҳар қанча тасанно айтсак, арзийди, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Энди Жўқорғи Кенгеснинг бугунги сессияси кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтсак.

Сизларга яхши маълумки, кейинги йиллар давомида Т.Камолов республиканинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаб келди.

Бу раҳбар яқинда эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш ҳақида ариза билан мурожаат қилди.

Бугун биз сизлар билан Камоловнинг ана шу аризасини кўриб чиқиб, бу масалага ўз муносабатимизни билдиришимиз зарур.

Камолов тўғрисида гапирганда шуни айтиш керакки, 1997 йилда Қорақалпоғистонга етакчи бўлиб сайланган бу раҳбар қўлидан келганча ишлади, республикада амалга оширилган ўзгаришларга ўз ҳиссасини қўшди.

Шуни алоҳида таъкидлаб, сиз, Жўқорғи Кенгес депутатлари бу масала бўйича ўз фикрингизни билдирасиз, деб ўйлайман.

Энди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси лавозимига номзод ҳақида гаплашиб олсак. Биз бу ердаги оқсоқоллар, фаоллар, жамоатчилик вакиллари билан маслаҳатлашиб, бу лавозимга ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Ерниязов Муса Тажетдинович номзодини тавсия қилмоқчимиз.

Ҳаммангиз бу билимли ва тажрибали раҳбарни яхши танийсиз. Мен бу раҳбарнинг республикада ислоҳотларни чуқурлаштириш, олдимизда турган вазифаларни адо этишга салоҳияти ва куч-ғайрати етарли, деб ўйлайман.

Бу масала бўйича ҳам Жўқорғи Кенгес депутатлари ўз муносабатларини билдиришлари лозим.

Қадрли юртдошлар!

Бизнинг бугунги кундаги энг асосий вазифамиз, орзу-интилишимиз — халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, биринчи навбатда, Оролбўйи минтақасида яшайдиган одамларнинг ҳаётини яхшилаш, бу борадаги кенг кўламли тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Бугун сиз ҳурматли жамоатчилик вакиллари билан юзма-юз бўлиб, қатъий ишонч билан айтаманки, минтақадаги табиий мувозанатни тиклаш, ҳаётий шарт-шароитни ижобий томонга ўзгартириш учун қўлимиздан келган барча ишларни биргаликда қиламиз.

Бугун мамлакатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Шуни унутмаслик керакки, қорақалпоқ халқи доимо юртимизнинг таянч тоғларидан ҳисобланган ва биз сизларнинг салоҳиятингизга ҳамиша чексиз ишонч билан қараймиз.

Сиз азизларга, сиз орқали бутун қорақалпоқ халқига яна бир бор ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этар эканман, Яратганимиздан сўрайманки, юртимизни бало-қазолардан ўзи асрасин, хирмонларимиз юксак бўлсин, хонадонларимиздан қут-барака аримасин.

Барчангизга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизга омад тилаб қоламан.

